

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**

ИХТИРОГА ПАТЕНТ ОЛИШ ТАРТИБИ

Тошкент - 2024

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Қонун - Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни.

Вазирлик - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Қоидалар - Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари.

Талабнома - ихтирога патент бериш учун талабнома.

Талабнома берувчи - ихтирога патент бериш учун талабнома топширган шахс.

АК Низоми - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги Низом.

АК Қоидалари - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидалари (2019 йилнинг 30 октябрида 3190-сон билан рўйхатга олинган).

Париж конвенцияси - Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси учун амал қилувчи таҳрири.

ХПК - Халқаро патент классификацияси.

Ихтироларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни ва ихтиролар муҳофазаси соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Ихтирога патент (бундан кейин “патент” деб юритилади) ихтиронинг янгилигини, ихтиролик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент куйидагиларга берилади:

ихтиро муаллифи (хаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) вориси (ворислари)га;
муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки ихтиро Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилгунга қадар Вазирликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга;
ихтиро ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган ҳолларда, агар бу ҳол улар ўртасидаги тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига.

Ихтирога патент давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади ҳамда Вазирликка патент бериш тўғрисидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда, йигирма йил мобайнида амал қилади.

Маҳсулот ёки **усулга** тегишли бўлган ҳар қандай техник ечим ихтиро объекти сифатида эътироф этилади.

а) Ихтиро объекти – маҳсулот.

Ихтиро объекти сифатида маҳсулотга қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари киритилган.

Қурилмаларга конструкциялар, конструктив элементлар ёки конструктив элементлар мажмуи бўлган ҳамда функционал-конструктив бирликни ташкилқилган буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоблар, аппаратлар, усқуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар киради.

Моддаларга:

кимёвий бирикмалар, буларга, шунингдек, шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген инженерияси маҳсулотлари бўлган рекомбинант нуклеин кислоталар, векторлар ва ҳ.к. киритилган;

композициялар (таркиблар, аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);
ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

Микроорганизмлар штамлари, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари)га:

бактериялар, вируслар, бактериофаглар, микро сув ўтлари, микроскопик замбуруғлар ва бошқаларнинг штамлари;

ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари (линиялари), шу жумладан

хужайраларнинг клонлари;

микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар хужайраларининг турлари (линиялари) консорциумлари;

хусусан микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг плазмидлари, векторлари, барқарор трансформацияланган хужайраларини ўз ичига олган генетик конструкциялар, трансген ўсимликлар ва ҳайвонлар киради.

б) Ихтиро объекти – усул.

Усулга моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида бажариладиган ўзаро боғланган ҳатти-ҳаракатлар жараёни киради.

Қуйидагилар ихтиролар деб тан олинмайди.

илмий назариялар ва математика усуллари;

ташқил этиш ва бошқарув усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемалар топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

I. Патентга лаёқатлилиқ шартлари

Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

1. Янгилиги

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника даражасига берилган таъриф ихтиронинг жаҳонда янгилиги тамойилини акс эттиради, бунда техника даражаси ихтиро устуворлиги белгиланган санадан олдин жаҳонда ҳаммага маълум бўлган ҳар қандай маълумотни ўз ичига олади.

Ихтиро янгилигини белгилашда, шунингдек, анча аввалги устуворлик билан топширилган, чақириб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

2. Ихтирочилиқ даражаси

Агар ихтиро ушбу соҳа мутахассиси учун техника тараққиёти даражасидан яққол аён бўлмаса, ихтирочилиқ даражасига эга бўлади. Ихтирочилиқ даражасини аниқлашда бир нечта манбадан фойдаланиш мумкин.

3. Саноатда қўлланиши

Агар ихтиро саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа фаолият соҳаларида қўлланиши мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин ҳисобланади.

II. Талабномани расмийлаштириш

1. Талабнома тили

Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилларида берилади. Аризага илова қилинадиган талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилларда тақдим этилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда тақдим этилган бўлса, у ҳолда талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади.

Ҳужжатларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимасини талабнома берувчи талабнома Вазирликка топширилган санадан бошлаб икки ой мобайнида тақдим этиши мумкин.

2. Талабнома мазмуни

Талабнома таркибида патент бериш тўғрисидаги ариза, ихтиро тавсифи, ихтиро формуласи, чизмалар, ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган бошқа материаллар ва реферат бўлиши керак.

Талабномага белгиланган миқдорда талабнома топшириш учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни, шунингдек, талабнома агар талабнома берувчининг вакили томонидан тақдим этилган бўлса, унинг номига берилган ишончномани илова қилинади.

3. Аризага қўйиладиган талаблар

Ариза босма ҳолда, 1-иловада келтирилган шаклда тақдим этилади.

Қоидаларда ариза мазмуни ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд, шунинг учун уни тўлдириш қийинчилик туғдирмайди.

Шундай бўлса-да, аризадаги талабнома берувчи ҳақида маълумотлар келтириладиган қисмнинг тўлдирилишига эътибор қаратиш лозим.

Патент бериш тўғрисидаги аризада талабнома берувчи кўрсатган талабнома берувчи Вазирлик билан патент олиш бўйича барча ишларни - талабнома бўйича ёзишмалар ва талабномани кўриб чиқиш жараёнидаги бошқа ҳаракатларни олиб боради. У шунингдек талабномани қайтариб олиши, яъни у бўйича ҳаракатларни тўхтатиши мумкин. Бироқ, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, кейинчалик ҳуқуқий оқибатларни кўзда тутган бирон-бир ҳаракатлар қайтариб олинган талабномага асосланган бўлиши мумкин эмас.

Талабномани топшириш ва талабнома топширилгандан кейинги ишларни олиб бориш учун талабнома берувчи вакил тайинлаши мумкин.

Агар талабнома берувчилар бир нечта бўлиб, талабномани уларнинг ўзлари топшираётган бўлса, бу ҳолда талабнома бўйича ишларни осонлаштириш учун уларнинг умумий вакилини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Талабнома берувчининг вакили сифатида патент вакилини кўрсатиш мумкин, бунда унинг ваколатлари талабнома берувчи томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланган бўлиши керак.

III. Ихтирони тақдим этиш

Тавсифда ихтиро уни мутахассис амалга ошира олиши учун етарли равишда тўлиқ очиб берилиши керак. Ихтиро тавсифи талабноманинг асосини ташкил этади, шу билан бирга патентдан келиб чиқадиган даъволарни ҳамда ҳуқуқлар ҳажмини ифода этиш учун ҳам асос вазифасини ўтайди.

3.1. Тавсифнинг вазифаси ва тузилиши

Ихтиро тавсифи ихтиронинг мутахассис томонидан амалга оширилиши учун етарли равишда тўлиқ очиб бериши керак.

Ихтиро тавсифи ихтирочи томонидан ҳал этилаётган техник муаммони, уни ҳал этиш йўли ва усуллари кўрсатиб бериши лозим.

Ихтиро тавсифида стандартлаштирилган атамалар ва қисқартмалар, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса илмий ва техникавий адабиётда ҳамма қабул қилган атамалар ва қисқартмалар қўлланади.

Бир хил элементларни кўрсатишда ягона атама қўлланади.

Ихтиро тавсифининг тузилиши унинг вазифасига тўлиқ жавоб беради, унда ихтиро номидан кейин (агар талабнома берилаётган ихтиро мансуб бўлган амалдаги Халқаро патент классификациясининг рубрикаси маълум бўлса, ушбу рубриканинг индекси ҳам ихтиро номи олдидан келтирилади) куйидаги бўлимларнинг баён этилиши кўзда тутилади:

ихтиро мансуб бўлган техника соҳаси;

техника даражаси;

ихтиро моҳияти;

чизмалар шакллари рўйхати (агар чизмалар бўлса);

ихтирони амалга ошириш мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар;

нуклеотидлар ва/ёки аминокислоталар кетма-кетлиги рўйхати (агар бундай кетма-кетликдан ихтирони тавсифлаш учун фойдаланилган бўлса).

Тавсиф бўлими ўрнига керакли маълумотларни ўз ичига олган бирон бир ахборот манбаини кўрсатиш мумкин эмас.

Ихтиро номи ихтиро моҳиятига мос келиши ҳамда объектнинг вазифасини характерлаши лозим.

Ихтиронинг ўзига хослигини таъкидлаб кўрсатиш мақсадида унинг номига фарқловчи белгиларини киритиш мумкин эмас - ихтиронинг ўзига хослиги ихтиро формуласида ўз ифодасини топади.

Ном бирликда ифодаланади, ихтиро номи бирликда ишлатилмайдиган атамаларни ўз ичига олган ҳолатлар бундан мустасно.

Индивидуал кимёвий бирикмага оид ихтиро номига ушбу бирикманинг кимё фанида қабул қилинган номенклатуралардан бири бўйича номи киритилади; шунингдек, унинг қандай аниқ вазифада ишлатилишига доир кўрсатма, биологик фаол бирикмалар учун эса биологик фаоллик тури келтирилади.

Аниқланмаган таркибли модда-аралашмани олиш усуллари оид ихтиро номига вазифаси тўғрисида кўрсатма ёки ушбу модданинг биологик фаоллик хусусиятларини кўрсатувчи тушунчалар киритилади.

Микроорганизмлар штамми ёки ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларига оид ихтиролар номига биологик объектнинг лотин тилидаги оила туркуми ва турига оид номи, штаммининг тури ва вазифаси кўрсатилади.

Генетик конструкцияга тааллуқли ихтиро номига унинг вазифаси кўрсатилган ҳолда номланиши киритилади.

Аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамминг янги мақсадда қўлланишига оид бўлган ихтиро номи тегишли объект учун қабул қилинган қоидаларга биноан тузилади ҳамда аввалдан маълум бўлган объектнинг янги вазифасини характерлайди.

Ихтиро номида шахсий номлар, фамилияга оид номлар, аббревиатуралар, реклама, фирма номлари, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари и географик номлар, «ва бошқалар» сўзлари ва ихтирони аниқлаш мақсадларига хизмат қилмайдиган худди шундай сўзлардан фойдаланилмаслиги керак.

«Ихтиро мансуб бўлган техника соҳаси» бўлими.

Ушбу бўлимда ихтиро қўлланиши мумкин бўлган техника соҳаси (ёки хўжалик соҳаси, фаолият соҳаси) кўрсатилади. Агар гап функционал ихтиро, яъни кўп соҳаларда қўлланиши мумкин бўлган ихтиро ҳақида борса, ушбу бўлимда ихтиро қўлланиши мумкин бўлган бундай соҳаларнинг ёки техника объектлари турларининг бир нечтаси кўрсатилади. Масалан, «Термоэлектр микросовуткич»га талабнома берилаяпти дейлик, бу ўринда бўлим мазмуни қуйидагича баён этилиши мумкин:

«Ихтиро совуткич техникасига, янада аниқроғи термоэлектрли элементларда ишлайдиган кичик ҳажмдаги совутиш камерасига эга бўлган совуткичларга мансуб бўлиб, улар, масалан, приборлар бўлинмаларини совутиш учун, пассажир кемаларининг каюталарида, темирйўл ҳамда автомобиль транспорти ва кундалик турмушда қўллаш учун мўлжалланган».

«Техника даражаси» бўлими.

Ушбу бўлимнинг вазифаси ечими ихтирога боғлиқ бўлган техникавий муаммо ҳолатининг тўлиқ характеристикасини беришдан иборат. Бунинг учун бўлимда ихтиро аналоглари, яъни ихтиронинг устуворлик санасигача оммага ошкор бўлган маълумотлардан маълум бўлган, ихтиро бажарадиган вазифани бажарадиган воситалар кўрсатилади.

Агар маълум бўлган восита ихтиро вазифасига тўлиқ мос келса, у аналогга тегишли бўлади. Айтайлик, агар симни қиздириш учун қурилмага талабнома берилётган бўлиб, талабнома формуласида айнан шу вазифа кўрсатилган бўлса, бу ҳолда лескани қиздириш учун қурилма, гарчи конструктив бажарилиши бўйича бу икки қурилма ўхшаш бўлса-да, унинг аналоғи бўла олмайди.

Талабнома берилган ихтиро билан бир хил вазифани бажарадиган воситалар орасидан ихтирога муҳим белгилар мажмуи бўйича энг яқин белгилар мажмуи билан характерланадиган воситани танлаб олиш лозим.

Агар бир хил вазифани бажарадиган маълум воситаларнинг биронтаси ҳам талабнома берилган ихтиро белгиларига эга бўлмаса, бу ҳолда маълум воситанинг ихтиро билан ўхшашлиги унинг вазифаси билангина чекланади.

Муҳим белгиларининг энг кўп миқдори талабнома берилётган ихтиронинг муҳим белгиларига ўхшаш бўлган аналог ихтиронинг энг яқин аналоғи ҳисобланади.

Ихтиро тавсифининг «Техника даражаси» бўлимини тузишда аниқланган аналоглар кетма-кет тавсифланади ҳамда уларнинг ҳар бирига нисбатан бевосита матннинг ўзида (аналог тилга олинган) ушбу аналог очиб берилган ахборот манбаининг библиографик маълумотлари келтирилади. Бу ўринда келтирилган маълумотлар ушбу манбани топиш учун етарли бўлиши керак. Зарур бўлиб қолса, бошқа маълумотлар ҳам (саҳифа, хатбоши, график тасвирлар шакллари рақами ва ҳ.к.) келтирилади.

Шунингдек, аналог белгилари ҳам кўрсатилади ҳамда улардан ихтиронинг муҳим белгиларига мос келадиганлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Аналогларни тавсифлашда ихтиро ёрдамида эришилиши кўзда тутилган техник даражага аналог ёрдамида эришиб бўлмаслик (талабнома берувчи фикрича) сабаби (ёки сабаблари, агар улар бир нечта бўлса) ҳам очиб берилиши лозим. Кўрсатиб ўтилган маълумотлар таҳлили, одатда, ихтиро ҳал этиб бериши мўлжалланаётган муаммони чуқурроқ англаб етиш имконини беради, бу эса ихтиро фойдаланувчиси учун ҳам, талабномани кўриб чиқаётган эксперт учун ҳам зарурдир.

Микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларини тавсифлашда кўшимча равишда унинг дастлабки ёки яқин турдош штаммлардан фарқли белгилари кўрсатилади.

«Ихтиро моҳияти» бўлими

Тавсифдаги бу бўлимнинг баёни ихтиро ҳал қилиб бериши лозим бўлган вазифани кўрсатиб бериш билан бошланади, бунда ихтиро амалга оширилиши натижасида олинishi мумкин бўлган техник натижа ҳам кўрсатилади.

Техник натижа усулни амалга оширишда ёки маҳсулотни тайёрлаш ёки ундан фойдаланишда ўзларини объектив равишда намоён этадиган техник самара, хусусият, ҳодиса ва бошқаларнинг тавсифидан иборат бўлади.

Қоидаларда техник натижа турларига мисоллар келтирилган. Ушбу техник натижа турлари рўйхатини келтиришдан кўзланган мақсад бу ўринда, масалан, ускуналарнинг иш унумдорлигини оширишда, маҳсулот сифатини оширишда ва ҳ.к. ўз ифодасини топган ижтимоий-фойдали натижа устида гап бормаётганлигига талабнома берувчининг диққатини қаратишдан иборат. Техник натижа деганда айнан мана шу ижтимоий-фойдали натижага (масалан, меҳнат унумдорлигининг оширилиши ёки маҳсулот сифатининг оширилиши) эришиш имкониятини яратиб берган аниқ сабаб тушунилади. Агар ихтиро бир нечта техник натижани олишни таъминласа (шу жумладан унинг бажарилишининг конкрет шаклларида ёки ундан фойдаланишнинг алоҳида ҳолларида), уларни кўрсатиш тавсия қилинади. Агар ихтиро яратилишида маълум вазифага эга бўлган техник воситалар арсеналини кенгайтириш ёки биринчи марта шундай техник воситалар олиш вазифаси ҳал қилинаётган бўлса, бу ҳолда техник натижа шу вазифани амалга оширишдан иборат бўлади ва бунини махсус таъкидлаш талаб қилинмайди.

Ихтиролар гуруҳи учун юқорида кўрсатилган маълумотлар, шунингдек, техник натижа ҳақидаги маълумотлар ҳар бир ихтиро учун алоҳида келтирилади.

Шунингдек, тавсифнинг мазкур бўлимида ихтиро моҳиятини очиб берадиган маълумотлар ҳам керак бўладики, бу моҳият ихтиродан кўзланган техник натижага эришиш учун етарли бўлган муҳим белгилар мажмуи билан ифодаланади. Бу ўринда шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, эришилаётган техник натижага таъсир кўрсатадиган, яъни кўрсатилган натижа билан сабаб-оқибат муносабатида бўлган белгилар муҳим белгилар ҳисобланади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, тавсифнинг мазкур қисмида кўрсатилган техник даража қандай белгилар эвазига эришилишини кўрсатиб ўтиш лозим. Бу ўринда белгиларни шунчаки санаб ўтиш, яъни ихтиро формуласини келтириш билангина чекланиб бўлмайди. Ихтиро моҳияти иложи борича аниқ бўлиши ҳамда талабномани кўриб чиқишда экспертизада у ёки бу белгининг ихтиро формуласига нима сабабдан киритилганлиги бўйича савол туғдирмаслиги учун, ушбу белгилар техник натижага эришишда қандай таъсир кўрсатишини, яъни белгилар ва техник натижа ўртасидаги сабаб-оқибат алоқасини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ихтиро моҳиятини баён қилишда белги характеристикаси ўрнига ушбу белги очиб берилган манбани кўрсатишга йўл қўйилмайди.

«Чизмалар фигуралари ва бошқа график материаллар рўйхати» бўлими.

Бу бўлимда барча график тасвирлар фигураларининг рўйхати, уларнинг ҳар бирида нима тасвирланганлигининг қисқача таърифи келтирилади.

Бу иллюстрацияларга берилган изоҳлар фигуралардаги тасвирларга мос келиши керак. Масалан, чизмада гап бораётган қурилманинг тузилмавий схемаси келтирилганда, «Чизмада ёнғин-портлашдан ҳимоя тизимларида авария ҳолатини қайд этиш учун қурилма кўрсатилган» деб ёзиш тўғри ҳисобланмайди.

Агар фақат битта фигура келтирилган бўлса (бу ҳолда унга тартиб Рақам ҳам кўйилмайди), ушбу график тасвир нимани намоён қилиши аниқ кўрсатилади.

Бу ҳолда иллюстрацияга берилган изоҳ қуйидагича баён қилиниши мумкин: чизмада талабнома берилган қурилманинг умумий кўриниши тасвирланган; таклиф этилган усул қуйидаги схемада изоҳланган; келтирилган блок-схема қуйидаги(лар)ни акс эттиради.

«Ихтирони амалга ошириш мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар» бўлими.

Ихтиро тавсифининг ушбу бўлимида бевосита талабномада тавсифи берилган ёки ихтиро устуворлиги санасигача ҳаммага маълум бўлган манбалардан аён бўлган воситалар ёрдамида ихтирони амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб бериш лозим.

Бунда, ҳар бир белги учун унинг моддий эквивалентига эга бўлиш имкониятигина эмас, балки талабнома берувчи кўрсатган ихтиро вазифаси-нинг ихтиро формуласида тавсифи келтирилган кўринишда амалга оширилиш имконияти ҳам тасдиқланиши лозим.

Тавсифнинг ушбу бўлимида келтирилган маълумотларнинг характери маълум даражада объект турига боғлиқ бўлса-да, шу билан бирга ушбу бўлим мазмунига Қоидаларда кўйиладиган умумий талабларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ихтиро белгиси умумий тушунча орқали ифодаланган бўлса, хусусан функционал умумлаштириш даражасида келтирилган бўлса, тавсифда ушбу функцияни амалга оширувчи восита келтирилади.

Талаб қилинган функцияни амалга оширувчи воситанинг ўзи ҳали яратилмаган бўлса, аммо ҳаммага маълум ахборот манбаидан унга эга бўлиш усули маълум бўлса ёки у талабнома берилган ихтиро тавсифида очиб берилган бўлса, у ҳолда ихтирони амалга ошириш имконияти тасдиқланган ҳисобланади.

Тавсифнинг ушбу бўлимида келтирилган маълумотлар нафақат ихтирони амалга ошириш имкониятини, балки унинг формуласида келтирилган вазифасини амалга ошириш имкониятини ҳам тасдиқлаши лозим. Жумладан, агар талабнома материалларида таклиф қилинаётган қурилма тузилмавий ёки функционал схема даражасида такдим этилаётган бўлса, у ҳолда талабнома материалларида талабнома берилаётган қурилма блоклари маълум эканини тасдиқловчи ахборот манбалари келтирилиши керак. Акс ҳолда (яъни бундай ахборот манбалари келтирилмаган бўлмаса) блокнинг ички тузилмаси талабноманинг ўзида очиб берилиши керак, юқорида баён этилган талаблар эса блокнинг айрим қисмларига тегишли бўлади. Шунингдек, талабномада кўрсатилган қурилма таркиб топган блокларнинг кириш/чиқишлари ҳолатини тавсифловчи вақт диаграммаларини ҳам келтириш талаб қилинади. Рақамли қурилмага талабнома берилганда, талабнома материалларида вақт диаграммаларининг бўлиши айниқса муҳимдир.

Агар ихтиро **қурилмага** тегишли бўлса, бу ҳолда ушбу бўлимда аввал қурилма конструкциясининг статик ҳолатдаги тавсифи келтирилади, чизма фигураларига изоҳ берилади, бунда, шунингдек, гап бораётган конструктив элементларнинг тавсифдаги рақамли белгилари чизма фигураларидаги рақамли белгиларга мос келиши лозим. Рақамли белгилар 1 дан бошлаб ўсиш тартибида келтирилади.

Бўлимнинг бу қисми, масалан, қуйидагича бошланиши мумкин: «Қурилма (унинг номи келтирилади) ...(лар)дан иборат (таркиб топган)».

Хатога йўл қўймаслик учун сўз бирикмаларида рақамли белгилар бевосита ўзлари тегишли бўлган сўздан кейин қўйилади, масалан, «кеманинг корпуси 1», «кеманинг 1 корпуси» эмас. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, қурилманинг статик ҳолатдаги тавсифи унинг таркибий қисмларининг рўйхатидангина иборат бўлиб қолмаслиги керак, балки бу ўринда яна конструктив (схема) элементлари ўртасидаги боғланишлар, конструктив элементларнинг ўзаро жойлашуви ва таклиф қилинаётган қурилманинг бошқа белгилари кўрсатилиши лозим.

Агар таклиф қилинаётган қурилма талабнома материалларида тузилмавий ёки функционал схема даражасида тақдим этилаётган бўлса, бу ҳолда схема блоклари ва улар ўртасидаги боғланишларнинг тавсифларидан сўнг, ушбу схема блокларининг маълумлигини тасдиқловчи ахборот манбаларини кўрсатиб ўтиш талаб этилади. Масалан: «Импульсли стабилизатор 1 схемаси «Источники электропитания. Справочник» (М., Радио и связь, 1986, с. 340) китобида келтирилган ва очиб берилган, ўтказувчи генератор 2 П.М.Грицевскийнинг «Основы импульсной и вычислительной техники» (М., Советское радио, 1974, с. 76) китобидан маълум».

Агар ихтиро формуласида умумий тушунча воситасида тавсифланган конструктив элементнинг эҳтимолдаги хусусий бажарилиш шаклларида бири келтирилса, бу ҳолда характеристика олдида «масалан» ёки «хусусан» сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Қурилма конструкциясининг тавсифидан кейин унинг ҳаракати (ишлаши) ёки ундан фойдаланиш усулининг тавсифланади, бу ўринда ҳам чизмаларнинг рақамли белгилари, заруратга кўра эса бошқа изоҳловчи материаллар (эпюралар, вақт бўйича диаграммалар ва х.к.) кўрсатилади.

Бўлимнинг бу қисмини баён этишда келтириладиган маълумотлар бўлажак патент эгасининг тижорий манфаатларига зарар етказиб қўймаслигига эътибор бериш лозим.

Хусусан, қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинishi керак. Агар гап технологик ускуна устида борса, бу ҳолда қурилма ишининг режимли характеристикалари «эҳтиёткорлик»ни талаб қилади: улар одатда ихтиро объекти бўлган қурилманинг муҳим белгиларига ҳам, уни амалга ошириш мумкинлигини тасдиқлайдиган маълумотларга ҳам тегишли бўлмайди.

Қурилманинг ҳаракати (ишлаши)ни тавсифлашда талабнома берувчи томонидан аввалроқ кўрсатиб ўтилган техник натижага эришиш қандай таъминланишига изоҳ бериб кетиш жоиздир.

Масалан: «Ҳаво оқимини насадкадан 5 ташилаётган листларга 6 узатишда транспортировка қилинадиган листлар транспортировка қилувчи роликлар 7 сиртига босилади, бу эса уларнинг сирғалиб ўтиб кетишини камайтириш имконини беради» (айнан охириги изоҳ «Ихтиро моҳияти» бўлимида техник натижа сифатида кўрсатиб ўтилган эди).

Агар қурилма функционал даражада тавсифланган бўлиб, кўрсатилган амалга ошириш шакли турли функцияларни бажариш учун мўлжалланган дастурлаштириладиган (созланаётган) мосламадан фойдаланишни кўзда тутган бўлса, унда ушбу усул ушбу қурилмага аниқ бириктирилган функцияни бажариши мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар берилиши керак.

Бундай маълумотлар сифатида алгоритм келтирилса, у қўпинча блоксхема ёки, мумкин бўлган ҳолларда, тегишли математик ифода (ёки ифодалар тизими) кўринишида берилади.

Агар қурилмани бажариш учун алоҳида технология талаб қилинса, у тавсифнинг мана шу бўлимида тавсифланиши лозим. Бу, масалан, ярим ўтказгичли приборларга тааллуқлидир.

Агар ихтиро усулга тааллуқли бўлса, унинг характеристикаси учун қўлланадиган технологик белгилар таркибига ҳаракатларнинг мавжудлиги, бундай ҳаракатларнинг вақтда бажарилиш тартиби (кетма-кет, бир вақтда ва ш.к.), ҳаракатларни амалга ошириш шарт-шароитлар, иш режими, турли воситалар (моддалар, мосламалар, микроорганизмлар штаммлари, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайралари линиялари)нинг қўлланиши киради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, усул белгиси сифатида ушбу усулнинг у ёки бу ҳаракатини амалга оширадиган қурилма характеристикаси жалб қилиниши лозим бўлиб, қолган ўринларда талабнома берувчи айрим қийинчиликларга дуч келади. Усул формуласида қурилмани деталлаштириш даражаси қандай бўлиши керак, деган савол тез-тез юзага келади. Бу масалани ҳал қилишда фақат бир нарсага – кутилаётган техник натижага эришишда нима муҳимроқ эканига эътибор қаратиш лозим. Баъзи ўринларда бунинг учун талаб қилинган қурилма вазифасининг характеристикаларини кўрсатиб ўтиш кифоя қилиши мумкин (масалан: «Трубанинг ички сиртига цилиндрсимон чўтка воситасида ишлов берилади»). Бошқа ўринларда техник натижага эришишда қурилманинг қўлланиш вазифасини характерлаш билан чекланиб қолмай, балки қурилманинг бажарилиш характеристикасини ҳам келтириш талаб қилинади (масалан: «Трубанинг ички сиртига қиллари турли зичликда жойлашган цилиндрсимон чўтка воситасида ишлов берилади, чўтка қилларининг зичлиги чўтка бўйлама ҳаракатининг қарама-қарши йўналишида камайиб боради»). Агар техник натижага эришиш шунга боғлиқ бўлса, ихтиро формуласида қурилма конструкциясига (усулга тегишли бўлган ихтиро белгиси сифатида) батафсилроқ тавсиф бериш ҳам мумкин.

Усулни тавсифлаш учун формулада қийматлар интерваллари кўринишида кўрсатилган миқдорий белгилар қўлланган бўлса, бу ҳолда усул тавсифида ушбу интервалга кирадиган бир марталик аниқ қийматлар келтирилади. Масалан, агар формулада «Дастлабки маҳсулот 72-94°C оралиғида ётган температурагача қиздирилади», деган белги мавжуд бўлса, у ҳолда усулни амалга оширишга бағишланган конкрет мисол тавсифида бошқа маълумотлар билан бир қаторда, масалан, «Дастлабки маҳсулот 81°C гача қиздирилади» деб кўрсатилади. Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, Қоидалар талабнома берувчидан ихтирони амалга оширишнинг оптимал мисолларини келтиришни талаб қилмайди, шунинг учун турли хилдаги бир марталик қийматларга эга мисоллар келтирилган экан, миқдорий жиҳатдан энг яхши техник натижага эришиш имконини бермайдиган мисоллар билан ҳам чекланиш мумкин.

Усул муайян воситалар, хусусан, қурилмалардан фойдаланиш билан характерланса, бу ҳолда тавсиф тузишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

Агар қўлланаётган қурилма ҳаммага маълум бўлса, тавсифда уни кўрсатиб ўтиш кифоя. Номаълум қурилмадан фойдаланишда унинг характеристикаси берилади, заруратга кўра эса унинг график тасвири ҳам келтирилади.

Масалан, бирон-бир маҳсулотни талабномада (бошқа белгилар қаторида) келтирилган олиш усули ушбу техника соҳасига мансуб мутахассислар учун кенг маълум бўлган анъанавий конструкцияли дисксимон тегирмонда яримфабрикатни янчиш билан характерланади, дейлик. Бу ҳолда тавсифнинг «Ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар» бўлимида янчиш айнан дисксимон тегирмонда амалга оширилаётганини кўрсатиб ўтиш билан чекланиш мумкин.

Агарда янчиш маҳсус яратилган тегирмонда, масалан, ишлов берилаётган маҳсулотга алоҳида ёндошув зарурати билан боғлиқ ҳолда биринчи бор ишлаб чиқилган янги конструкциядаги ишчи органларга эга бўлган тегирмонда олиб борилса, бу ҳолда тавсифда бундай тегирмон конструкцияси очиб берилиши керак.

Бунда тавсифни деталлаштириш даражаси ихтиронинг айнан шу қисмини амалга ошириш заруратидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Усулда қўлланаётган восита модда ёки штамм бўлган ҳолларда ҳам худди шундай ёндошув қўлланади.

Агар ихтиро **композицияга** (аралашма, эритма, қотишма, шиша ва бошқаларга) оид бўлса, композиция таркибига кирган ингредиентлар, уларнинг характеристикалари ва миқдорий нисбатлари кўрсатилган мисоллар келтирилади. Композицияни олиш усули тавсифланади, агар бирор ингредиент сифатида янги моддани ўз ичига олса, уни олиш усули ҳам тавсифланади.

Ингредиентларнинг миқдорий таркиби техник натижага таъсир қиладиган композицияларга, жумладан, мураккаб физик-кимёвий тизимлар (қотишмалар, шишалар, пластмассалар, эмаллар, керамика ва бошқалар), шунингдек, якуний маҳсулотга айланишида физик-кимёвий жараёнлар (масалан, бетон, полимер қоришмалари ва шу каби таркиблар) содир бўладиган таркиблар мансубдир.

Композицияни унинг таркибига кирган ҳамда реал олинган маҳсулотда топиш мумкин бўлган ингредиентлар воситасида характерлаш лозим. Агар композиция кимёвий ўзгаришларга учрамайдиган дастлабки ингредиентларни механик равишда аралаштириш йўли билан олинадиган якуний маҳсулотдан иборат бўлса, бундай композиция мана шу ингредиентлар билан тавсифланиши лозим (булар замазкалар, эритмалар, пестицидди композициялар ва бошқалар). Агар композиция якуний маҳсулотга тегишли бўлиб, ушбу якуний маҳсулотни олиш жараёнида унинг учун керак бўлган дастлабки таркиб физик-кимёвий ўзгаришларга учраган бўлса, бундай композицияни унинг дастлабки таркиби билан тавсифлаш ярамайди, чунки бу ўринда гап бораётган дастлабки таркибни амалда олинган ёки қўлланаётган маҳсулотда топиш мумкин эмас (булар пластмассалар, бетонлар, қотишмалар, озик-овқат маҳсулотларидан пишлоқлар, ичимликлар ва бошқалар).

Мисолларда, шунингдек, композициянинг «Ихтиро моҳияти» бўлимида кўрсатилган техник натижага эришиладиган вазифасини белгилаб берувчи характеристикалари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади (қулай ва кўрғазмали бўлиши учун конкрет композициялар ва уларнинг характеристикаларини жадваллар кўринишида тақдим этиш ҳам мумкин). Композицияга оид ихтиро формуласининг мустақил банди миқдорий характеристикаларга, улар техник натижага эришишга таъсир қилмаганлиги туфайли, эга бўлмаса (масалан, замазкалар, пасталар, суюқ ювиш воситалари, эритмалар ва бошқа шу каби механик қоришмаларда бўлганидек), бу ҳолда тавсифда ингредиентларнинг миқдорий таркиби келтирилган конкрет композицияга ақалли битта мисол келтириш лозим бўлади.

Агар композиция биологик жиҳатдан фаол бўлса, масалан, гербицидларга, фармацевтикага тегишли бўлса ҳамда унинг миқдорий характеристикалари анъанавий бўлиб, композиция қўлланадиган препаратив шаклга боғлиқ бўлса (кукун, эритмалар, гранулалар, таблеткалар), тавсифда бир-икки препаратив шаклдаги композицияга мисоллар ва биологик фаоллик кўрсаткичларини келтириш лозим. Бундай композиция ўз таркибида фаол ибтидо сифатида умумий таркибий формула воситасида тавсифланган номаълум кимёвий бирикмалар гуруҳини қамраб олган деб характерланган ингредиентга эга бўлса, бу ҳолда ушбу гуруҳнинг айрим бирикмаларида уларнинг композиция вазифасини белгилаб берувчи биологик фаоллиги намоён бўлишини тасдиқлайдиган маълумотларни келтириш лозим.

Агар композиция таркиби аниқланмаган моддаларга оид бўлса (масалан, деярли бўлинмайдиган кимёвий қоришмалар, озик-овқат маҳсулотлари: ичимликлар, кефирлар, пишлоқлар ва бошқалар), бу ҳолда уни келиб чиқиши ва вазифасига кўра ўхшаш бошқа композициялардан фарқлаб турадиган ўзига хос физик-кимёвий ёки бошқа характеристикаларини келтириш ҳамда бундай характеристикаларни аниқлаш методикасини кўрсатиш лозим.

Ихтирони, яъни ҳар қандай турдаги композицияни амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи мажбурий маълумотларга ушбу композицияни олиш усулини очиб берадиган маълумотлар киради, ҳатто агар бу усул композицияни ташкил қилган ингредиентларни оддий механик аралаштиришдан иборат бўлса ҳам.

Усулга тавсиф беришда одатда ингредиентларнинг физик ҳолатлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, силжиш шарт-шароитлари, операцияларни ўтказиш режимлари ва бошқалар кўрсатилади.

Агар композиция ўз таркибида янги, махсус олинган кимёвий бирикмага эга бўлса, уни олиш усули келтирилиши лозим.

Тавсифнинг худди шу бўлимида яна композиция «Ихтиро мансуб бўлган техника соҳаси» бўлимида ўзига тайинланган вазифаларни «Ихтиро моҳияти» бўлимида кўрсатилган техник натижаларга эришган ҳолда намоён қилишини тасдиқлайдиган маълумотлар келтирилади.

Микроорганизмлар штаммлари, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайралари линиялари ёхуд уларнинг консорциумларига тааллуқли бўлган ихтироларни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш учун кўрсатиб ўтилган объектларни олиш усуллари келтирилади, агар улар депонентланган бўлса, бу ҳолда расмий коллекция-депозитарий ҳақидаги ҳамда объектга коллекцияда тақдим этилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Штамм, линия, консорциумдан кўрсатиб ўтилган вазифаларга кўра фойдаланишга оид мисол тавсифи келтирилади, бунда олинаётган маҳсулот хусусиятлари ва шу хусусиятларни аниқлаш усуллари ҳам кўрсатилади. Бундан ташқари штаммнинг депонентлангани ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Агар ихтиро **муайян вазифага кўра қўлланиши** сифатида характерланган бўлса, ихтиро тавсифининг мазкур бўлимида кўрсатилган вазифанинг қўлланаётган объект томонидан амалга оширилиш имкониятларини тасдиқловчи маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар, жумладан, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўлланаётган қурилма ишининг ушбу вазифага мувофиқлиги тавсифланади; қўлланаётган модда, штаммнинг ихтирочи томонидан белгиланган характеристикалари (хусусиятлари, тузилма фрагментлари, таркиб ингредиентлари ва бошқалар) ҳамда бундай характеристикаларнинг вазифа билан боғлиқлиги маълум экани кўрсатилади; объектнинг бирон-бир маълум характеристикалари билан унинг вазифаси ўртасидаги биринчи бор аниқланган боғлиқлик кўрсатилади. Келтирилаётган маълумотларнинг холислиги тегишли ахборот манбалари, экспериментлар натижаларини бериш орқали тасдиқланади.

Агар қўлланаётган объект маълум бўлмаса, уни олиш учун етарли бўлган маълумотлар келтирилади.

3.2. Ихтиро формуласи

Ихтиро формуласи талабнома берилган ихтиронинг барча муҳим аломатларини, яъни техникавий натижага эришиш учун зарур бўлган аломатлар мажмуини ўз ичига олгандагина ихтиро моҳиятини акс эттирган деб ҳисобланади.

Ихтиро формуласини тузишда ҳуқуқий ҳимоя ҳажмидаги йўқотишларнинг олдини олиш учун, унга фақат муҳим аломатларнинг киритилишига эришиш лозим.

Формулаи тузишда талабнома берувчи ихтиро формуласига киритилиши мўлжалланаётган аломатларнинг танлаб олинishiга алоҳида эътибор бериши лозим. Қоидаларга биноан формулада муҳим бўлмаган аломатларнинг кўрсатилиши қонунчилик талабларига зид эмас деб эътироф этилгани ҳам талабнома берувчининг бу масалага

этибор билан қарашини талаб қилади. Шунга кўра, формуланинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишда экспертиза талабнома берувчининг диққатини қандай аломатлар танланганига қаратмасликка ҳақлидир ҳамда агар ихтиронинг патентга лаёқатлилиги тасдиқланса, патент талабнома берувчи тузган формула билан, яъни муҳим бўлмаган аломатлардан иборат формула билан берилади. Шуниси аёнки, бу ҳолда учинчи шахсларга патентни «айланиб ўтиш» учун энг қулай шароитлар яратилган бўлади (яъни, агар қўлланаётган маҳсулот ёки усулда формуланинг мустақил бандида кўрсатилган муҳим бўлмаган аломатдан фойдаланмасликнинг ўзиёқ кифоя қилади, чунки бунда формулага киритилган муҳим белгиларнинг барча йиғиндисидан фойдаланилган ҳолда ҳам патент бузилиши содир бўлмайди).

Ҳуқуқий ҳимоя ҳажмига таъсир кўрсатадиган ҳолатлардан яна бири муҳим аломатни таърифлаш учун қўлланадиган тушунчанинг умумлаштирилганлик даражасидир. Бу тушунча таърифи қанча тор бўлса, ҳуқуқий ҳимоянинг ҳажми ҳам шунчалик кам бўлиши аниқ. Шунинг учун ихтиро характеристикасини танлашда умумий тушунчалардан фойдаланишга ҳаракат қилиш керак. Булар, масалан, функция даражасида ифодаланган тушунчалардир. Бунда тавсифда техник натижага эришишда аломатнинг айнан шундай характеристикаси етарли эканини, яъни мазкур конкрет вазиятда қўлланган умумлашма даражаси йўл қўйилган даражадан ошиб кетмаганлигини кўрсатиб бериш лозим. Агар ихтиро аломатини амалга оширишнинг бир қанча шакллари аниқланган бўлса, бироқ уларни битта тушунча билан бирлаштиришнинг қандайдир сабабларга кўра имкони бўлмаса, бу ҳолда аломатни таърифлашда муқобил тушунчалардан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳам (формулада бундай аломатнинг муқобил таърифи келтирилганига қараганда) ҳуқуқий ҳимоя ҳажмини оширишнинг йўллари билан биридир.

Бироқ ихтиро формуласида муқобил тушунчаларни қўллаганда шуни ҳам этибордан четда қолдирмаслик керак, муқобил тарзда ифодаланган аломатларнинг ҳар биттаси билан (ихтиронинг бошқа аломатлари билан биргаликда) бир хил техник натижага эришиш имкони бўлгандагина, бундай қўллаш ўринли бўлади.

Ихтиро формуласи ўз тузилишига кўра бир звеноли (яъни битта банддан иборат) ёки кўп звеноли (бир неча банддан иборат) бўлиши мумкин.

Ихтиро формуласида ихтиронинг тайёрланиши ёки ундан фойдаланишнинг хусусий ҳолларига нисбатан формуланинг муҳим аломатлари мажмуини аниқлаштириш ва/ёки ривожлантиришга оид характеристикани келтириш ёки ихтиролар гуруҳининг характеристикасини келтириш кўзда тутилмаган ҳолларда бир звеноли формула тузилади.

Талабнома берувчи бундай формулани тузар экан, ихтиро характеристикаси умуман олганда тилнинг грамматик қонун-қоидаларига мувофиқ тузилган ҳамда ихтиро вазифасини акс эттирган турдош тушунчани ўз ичига олган (масалан, «навларга ажратиш учун қурилма», «иситкич») битта гапда баён этилиши лозимлигини этиборга олиши лозим.

Агар ихтиро формуласида унинг аломатлари мажмуини аниқлайдиган, ривожлантирадиган характеристикалар келтирилиши лозим бўлса, бу ҳолда мустақил ва боғланган бандларга эга бўлган кўп звеноли формула қўлланади.

Боғланган банд мустақил банддан ташқи томондан шуниси билан фарқланадики, боғланган банд албатта ўзи боғланиб келган банд (ёки бандлар) га ҳавола қилинади, унинг чекловчи қисми эса мустақил бандга нисбатан анча қисқа баён қилинган бўлади, бу қисмда фақат турдош тушунча кўрсатилади (бу турдош тушунча мустақил банддагидек, аммо янада қисқароқ шаклда бўлади). Масалан, агар мустақил бандда «...дан ташкил топган дарахт чиқиндиларини майдалаш учун қурилма» дейилган бўлса, боғланган банд баёни «Майдалаш учун қурилма 1-банд бўйича шунинг билан фарқланадики, ...» деб бошланади.

Боғланган банд формулада аввал кўрсатиб ўтилган битта ёки бир нечта мустақил, шу жумладан, боғланган банд(лар)га боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, агар формуланинг учинчи боғланган бандида келтирилган ихтиро характеристикаси учун формуланинг фақат биринчи бандида келтирилган барча аломатлар зарур бўлиб қолган бўлса, бундай боғланган банд ушбу биринчи бандга боғлиқ бўлади.

Агарда учинчи боғланган банддаги ихтиро характеристикаси фақат мустақил банд билан боғлиқликда ёки иккинчи (боғланган) банд билан боғлиқликда қўлланиши мумкин бўлса, бу ҳолда учинчи боғланган банд бир пайтнинг ўзида иккита (биринчи ва иккинчи) бандга боғлиқ ҳисобланади (кўп тармоқли боғлиқлик). Тавсифда бундай боғлиқлик муқобили қўлланган ҳолда кўрсатилади («3. Қурилма 1-банд ёки 2-банд бўйича...»).

Бирон банд ихтиро формуласининг кўплаб бандларига боғлиқ бўлган ҳолларда эса, муқобиллик муносабатини «ёки» боғловчиси воситасида кўрсатиш унча қулай эмас, шунинг учун, масалан, қуйидаги иборалардан фойдаланиш мумкин: «Қурилма 1-10-бандларнинг бири бўйича ...», «Қурилма 1-10-бандларнинг ҳар қайсиси бўйича ...».

Кўп тармоқли боғлиқликда бўлган боғланган бандга худди шундай боғлиқликда бўлган иккинчи бир банд боғлиқ бўлмаслиги керак.

Агар мустақил банд чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлинган ҳолда тузилган бўлса, боғланган бандда ушбу қисмлардан биронтасининг белгилари ривожлантирилиши (аниқлаштирилиши) мумкин.

Боғланган банд шундай баён этилган бўлиши керакки, бунда мустақил банднинг бирон-бир аломатини ўзгартириш ёки чиқариб ташлашга эҳтиёж қолмасин. Ушбу талаб алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидлаб ўтамиз. Битта мустақил бандга эга бўлган формула, у агар боғланган бандларга эга бўлса ҳам, битта ихтирога тааллуқли бўлиши лозим.

Талабнома берувчи формулага боғланган бандларни киритар экан, шуни ҳам кўзда тутиш лозимки, бу бандлар патент тақдим этадиган ҳуқуқий ҳимоя ҳажмини оширмайди, чунки бу ҳуқуқ мустақил бандда баён этилган аломатлар мажмуи билан белгиланади. Боғланган бандларнинг вазифаси бериб бўлинган патентнинг келажақда «барқарорлиги»ни оширишдан иборат бўлиши мумкин, яъни формуланинг боғланган бандидаги таърифи ихтиронинг патентга лаёқатлилиги шартларига мос келмайди деб топилгани туфайли патент устида юзага келиши мумкин бўлган бахсларда ёрдам бериши мумкин.

Башарти формула ихтиролар гуруҳини таърифласа, у бир нечта мустақил бандлардан иборат бўлиши мумкин (гуруҳдаги ихтиролар сонига қа-раб). Бундай бандларнинг ҳар биттаси умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда тузилади, бирон-бир ўзига хос хусусиятга (на тузилиши бўйича ва на мазмуни бўйича) эга бўлмайди. Одатда мустақил банд формуланинг бошқа бирон бандига ҳавола қилинмайди. Бироқ фавқулудда ҳолларга бунга йўл қўйилиши мумкин. Айтайлик, агар ихтиролар гуруҳидаги биронта ихтирони таърифлашда ушбу гуруҳдаги бошқа бир ихтиронинг тўлиқ белгилар мажмуини келтириш зарур бўлиб қолса, бундай таъриф жуда катта бўлиб кетиши мумкин: мана шунда иккинчи ихтирога ҳавола қилинади. Масалан, формуланинг каттагина ҳажмдаги матндан иборат биринчи мустақил бандида металл юзага ишлов бериш учун таркибнинг тавсифи келтирилган, дейлик. Иккинчи мустақил бандда эса металл юзага ишлов бериш усули келтирилган бўлиб, бу усул бошқа аломатлар қаторида гап бораётган таркибдан фойдаланишни ҳам кўзда тутаяди. Бу ўринда усулга тегишли бўлган формула бандида таркиб тавсифини келтирмай, ушбу таркиб очиб берилган бандга ҳавола қилиниши мумкинлиги қоидаларда кўрсатиб ўтилган. Бунда мазкур ҳавола, масалан, қуйидагича ибора ёрда-мида ифодаланиши мумкин: «...юзага 1-банд бўйича таркиб билан ишлов берилади». Формула бундай ифода этишда шуни назарда тутишингиз лозимки, бошқа бандга ҳавола қилинганда,

ўша банддаги барча белгилар мажмуи қамраб олинган бўлиши керак. Агар талабнома берувчи ихтиро гуруҳининг формуласини баён этишда шу гуруҳ ихтиролари ўртасидаги ўзаро алоқаларнигина кўрсатиб ўтмоқчи бўлса, бу ҳолда бундай ҳаволани (масалан: «1-банд бўйича усулни амалга ошириш учун қурилма» каби) келтириш керак эмас.

Ихтиролар гуруҳига тузилган формула боғланган бандларга ҳам эга бўлиши мумкин: бу бандлар ҳам ўша умумий қоидаларга асосан тузилади. Бу ўринда фақат бир нарсага - бандларнинг тўғри гуруҳланганлигига эътибор қаратиш талаб қилинади, яъни муайян мустақил бандга боғланиб келган боғланган бандлар айнан шу банд билан гуруҳланган бўлиши керакки, гуруҳдаги турли ихтироларнинг тавсифи учун бир хил мазмундаги боғланган бандлар жалб қилинган ҳолатлар ҳам шу ҳисобга киради.

Формулада мустақил бандларнинг кетма-кетлигига келсак, Қоидаларда бу ҳақда алоҳида талаблар кўрсатилмаган. Демак, талабнома берувчи бундай бандларнинг ихтиро формуласида келиш тартибини ўзи мустақил белгилайди. Масалан, агар ихтиролар гуруҳи таркибида «пармаловчи ста-нок» ва «парма» бўлса, биринчи мустақил банд тенг ҳолатда ё унисига, ёки бунисига тегишли бўлиши мумкин.

Муайян вазифаси бўйича қўлланиши кўзда тутилган ихтиро формуласининг тавсифи ҳам бир бўғинли ёки кўп бўғинли бўлиши мумкин. Формуланинг мустақил банди битта ихтирога тегишли бўлиши керак деган шартга мувофиқ, вазифани таърифлашда муқобил тушунчалардан, агар улар объектнинг кўрсатилган соҳадан бошқа соҳаларда қўлланишини белгиласа ва шунинг билан боғлиқ ҳолда унинг турли хусусиятларининг намоён бўлишини талаб қилса, фойдаланиш тавсия этилмайди (масалан: «X моддасининг ошқозон яраси ёки артрит касаллигини даволаш учун восита сифатида қўлланиши»).

Ушбу талаб қуйидаги ихтиро формуласида бузилган ҳисобланмайди: «Y моддасининг жун ва ип газламалар учун бўёвчи восита сифатида қўлланиши».

Бундай ихтиро формуласининг боғланган бандларида мустақил бандда келтирилган белгилар мажмуини қўлланаётган объект ва/ёки вазифанинг таърифини янада аниқлаштириш йўли билан ривожлантириш мумкин. Масалан:

«1. Таркибида $R_1 - \dots, R_2 - \dots$ бўлган формуланинг триазолилацетофеноноксимларидан ўсимликлардаги споралар билан курашиш учун селектив фунгицид сифатида фойдаланиш.

2. 1-банд бўйича 2,4-дихлор- α -(1,2,4-триазолин)-(1)-/ацетофеноноксим-0-бензил эфирининг қўлланиши (ёки «Формуланинг триазолилацетофеноноксимларидан 1-банд бўйича бугдойдаги споралар билан курашиш учун селектив фунгицид сифатида фойдаланиш»).

Формула шундай тузилишга эга бўлиши мумкин, чунки 2,4-дихлор- α -(1,2,4-триазолин)-(1)-/ацетофеноноксим-0-бензил эфири формуланинг 1-бандида тавсифланган қаторнинг хусусий вакилидир.

Формуланинг банди, одатда, энг яқин аналогнинг белгилари билан мос келувчи, шу жумладан ихтиронинг вазифасини кўрсатувчи умумлаштирувчи тушунчани ўз ичига оладиган муҳим белгиларга эга бўлган чекловчи қисмдан ва ихтирони энг яқин аналогидан фарқлайдиган муҳим белгиларни ўз ичига оладиган фарқловчи қисмдан иборат бўлади.

Формула бандини чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлиб тузилганда чекловчи қисми баён этиб бўлингандан сўнг "шу билан фарқланадики" сўз бирикмаси киритилади, бундан кейин бевосита фарқловчи қисм баён этилади.

Ихтиро формуласи чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлинмай ҳам тузилиши мумкин. Бу, жумладан, қуйидаги ҳолларда юз беради:

формула индивидуал кимёвий бирикмани таърифласа;

формула микроорганизм штамми, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари линиясини

таърифласа;

формула курилма, усул, модда, штамминг қўлланилишини таърифласа;
аналогларга эга бўлмаган ихтирони таърифласа.

Ихтиро формуласининг мустақил банди фақат бир ихтирога тааллуқли бўлиши ва битта гап кўринишида баён этилиши лозим. Агар ихтиро лар – вариантлар фақат муқобил кўринишда ифодаланган аломатлар билан фарқланса, формуланинг битта мустақил бандида бир қанча ихтиролар ни – вариантларни тавсифлашга йўл қўйилади.

Агар мустақил бандда кўрсатилган муқобил аломатлар (ихтиронинг бошқа белгилари билан биргаликда) турли техник натижаларнинг олинисини таъминласа, бу ҳолда ушбу мустақил банд бир нечта ихтирони таърифлаган ҳисобланади.

Масалан, формулада сўз бораётган курилманинг бирон-бир конструктив элементи ҳақида унинг алюминий ёки пластмассадан тайёрланганлиги кўрсатиб ўтилган, бу ўринда формула тавсифида ушбу элементнинг алюминийдан тайёрланиши конструкция вазнини камайтириш имконини бериши, унинг пластмассадан тайёрланиши эса металлни тежаш имконини бериши ҳақида ахборот келтирилади.

Агар тавсиф бундай ахборотга эга бўлмаса, аммо талабнома берилган ихтиро экспертизаси натижасида эришиладиган техник натижалар ҳар хил экани аниқланиб, талабнома берувчи талабномани кўриб чиқиш жараёнида бу хулосани рад этолмаган бўлса, бу ҳолда сўз бораётган талаб бузилган ҳисобланади.

Агар мустақил банд ихтиро объектларининг ҳар хил турларига мансуб бўлган вазифаларни акс эттирувчи ихтиро тавсифлари ва турдош тушунчаларга эга бўлса (масалан, «изоляция материали ва уни олиш усули»), бу ҳол унинг битта ихтирога тегишли ҳисобланмаслигининг яна бир сабабидир. Қонданинг талабнома берувчилар томонидан бундай бузилишлари жуда кам ҳолларда бўлса-да учраб туради, шундай экан, уларни ҳам назардан четда қолдириш керак эмас.

Гап бораётган талаб нуқтаи назаридан мустақил бандга ҳар бири ўзининг алоҳида вазифасига эга бўлган воситалар мажмуи таърифини киритишга йўл қўйилмайди. Бунинг учун кўрсатиб ўтилган вазифалар мажмуи умумий вазифага бўйинсунган бўлиши лозим. Масалан: «Насос ва флягадан иборат бўлган тўплам шунинг билан фарқланадигани, насос корпусида велосипед рамасига маҳкамлаш учун чангақлар жойлашган, фляга эса ўз ичида бир-биридан ажралган сифимлар ҳосил қилиш учун тўсикқа эга». Формулада гап бораётган ҳар бир восита (насос ва фляга) аниқ ифодаланган вазифага эга бўлиб, бу вазифа айнан ушбу восита таърифланаётган белгилар мажмуи ҳисобига амалга оширилади, асосийси шундаки, формулада амалга оширилиши учун иккала восита керак бўлган умумий вазифа мавжуд эмас.

Тўплам, масалан, тиббий асбоблардан иборат бўлиб, улар биргаликда муайян кетма-кетликда қўлланса ва битта асбобнинг конструкцияси иккинчисига боғлиқ бўлса, юқоридаги хулоса бундай ҳолларга тегишли бўлмайди.

Бошқа бир мисол. Агар мустақил бандда бир қарашда турли вазифани бажарадиган воситалар (масалан, розетка ва вилка, қулф ва калит кабилар) ҳақида гап борса, сўз юритилаётган талаб бузилмаган ҳисобланади, чунки бу ўринда кўрсатиб ўтилган воситалар фақат биргаликда ишлатилади.

Бироқ талабнома берувчи, бўлғуси патент эгаси сифатида, шуни ҳам ҳисобга олиб қўйиши лозимки, формуланинг мустақил бандига бир-бири билан фақат умумий вазифасига кўра бирлаштирилган кўп сонли воситаларнинг киритилиши ушбу тўпламга патент тақдим этадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажмини камайтиради ҳамда патент эгасининг манфаатларига ҳамма вақт ҳам мос келмайдигани. Бундан ташқари, бундай вазиятда патентни осонгина

«четлаб» ўтиш имкониятлари юзага келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, формула битта мустақил ва битта ёки бир нечта боғланган бандларга эга бўлганда, у битта ихтирога тегишли бўлиши керак, деган талабга риоя қилинади. Агар боғланган бандда келтирилган ихтиро таърифи ушбу боғланган банд тегишли бўлган бандда таърифланган бирон-бир ихтиро аломатининг рад этилишини ёки алмаштирилишини кўзда тутса, юқорида келтирилган қоида ушбу формулага нисбатан бузилган ҳисобланади. Агар мустақил бандда амортизатор вазифасини ўтаётган конструктив элемент ҳақида унинг эластик қистирма кўринишида бажарилгани айтилиб, боғланган бандда эса у пружина кўринишига эгаллиги кўрсатилган бўлса, бундай формула гап бораётган нуқтаи назардан нуқсонли ҳисобланади.

Агар ихтиро формуласининг боғланган бандида келтирилган конструктив элементлар миқдори (агар ихтиро усулга тегишли бўлса, хатти-ҳаракатлар миқдори) мустақил бандда ҳам кўрсатиб ўтилганларидан кўпроқ бўлса, ушбу ҳолни боғланган бандда кўрсатиб ўтиш лозим бўлса, «кўшимча равишда ... га эга» каби сўз бирикмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, қурилмага тегишли бўлган ихтиро формуласининг мустақил бандида бошқа белгилар қаторида ползуннинг мавжудлиги ҳақидаги белги ҳам келтирилган, дейлик. Бироқ амалга ошириш шаклларида бири битта эмас, иккита ползундан фойдаланишни кўзда тутати. Бундай ҳолда боғланган бандда «2. Қурилма 1-банд бўйича кўшимча пол-зунга эга эканлиги билан фарқланади», деб айтилади. Агар мустақил бандда битта ползун ҳақида гап бориб, боғланган бандда уларнинг сони иккита деб кўрсатилган бўлса, экспертизада тегишли саволлар туғилиши мумкин, чунки формуланинг бундай баён этилиши ташқи томондан қараганда, боғланган банднинг мазмуни мустақил бандда кўрсатиб ўтилган белгининг алмашинувиға олиб келадигандек тасаввур ҳосил қилади.

Ихтиро таърифи учун қўлланадиган ва, демакки, ихтиро формуласига киритиладиган белгилар ихтиро объектининг турига мос бўлиши керак.

Қурилма ихтиро объекти сифатидаги конструктив аломатларга эга бўлиб, уларга конструктив элемент (элементлар)нинг мавжудлиги, элементларнинг ўзаро жойлашиши ва уларнинг бажарилиш шакли, элементларнинг параметрлари ва бошқа таърифлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари, шунингдек, элемент (ёки умуман қурилма) бажарилган материал ёки элемент функциясини бажарадиган муҳит киради.

Агар қурилмани таърифлайдиган ихтиро формуласига технологик белги ҳам киритилган бўлиб, талабнома берувчи (ўз ташаббуси билан ёки экспертнинг таклифига биноан) уни экспертиза жараёнида тўғриламаса, бу ҳолда талабнома берилган ихтиро патентга лаёқатли, деб топилган тақдирда ушбу белги формулада сақланиб қолади. Бироқ формуланинг бундай таҳририда муҳофаза қилинаётган ихтиродан фойдаланиш фактини аниқлаш билан боғлиқ масаланинг ҳал қилиниши қийинлашиши мумкин.

Қурилмани тайёрлаш усулига ёки қурилмадан фойдаланишни кўзда тутган усулга тегишли ихтиро формуласида умуман қурилмада ёки унинг бирон элементида қурилманинг амал қилишига ҳамда унинг вазифасининг амалга оширилишига таъсир кўрсатмайдиган сўзли, тасвирий ёки аралаш белгиларни ифодаловчи аломатлар бўлмаслиги керак (юқорида қурилмага ихтиро формуласида кўрсатилганидек).

Агар ихтиро **усулга** тегишли бўлса, унинг таърифи учун қуйидаги технологик аломатлар қўлланади: ҳаракатларнинг мавжудлиги, уларнинг вақтда бажарилиш тартиби (кетма-кет, бир пайтда ва бошқа), ҳаракатларнинг бажарилиш шартлари, режими, турли воситаларнинг (моддалар, мосламалар, микроорганизмлар штаммлари, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайралари линияларининг) ишлатилиши киради.

Келиб чиқиш структураси аниқланган кимёвий бирикмаларни таърифлайдиган ихтиро формуласига бирикманинг номи ёки белгилари киритилади. Ген муҳандислиги маҳсулотларига тааллуқли бўлган индивидуал бирикмалар учун ихтиро формуласига нуклеотидларнинг нуклеотидлар кетма-кетлиги рўйхатидаги рақами (нуклеин кислоталар фрагментлари ҳолларида) ва табиий картасининг тавсифи (рекомбинант нуклеин кислоталар ва векторлар ҳолларида), аминокислоталар кетма-кетлиги рўйхатидаги аминокислоталар рақами ҳамда ушбу бирикмани бошқалардан фарқлаш учун зарур бўлган бошқа физикавий-кимёвий характеристикалар киритилади. Аниқланмаган тузилишга эга бўлган индивидуал бирикмалар учун ихтиро формуласига ихтиро номи, физикавий-кимёвий ва ушбу бирикмани бошқалардан фарқлаш учун зарур бўлган бошқа характеристикалари (шу жумладан олиш усулининг аломатлари) киритилади.

Композицияларни таърифлайдиган ихтиро формуласига ушбу композиция таркибига кирган ингредиентлар ва заруратга кўра ингредиентларнинг миқдорий таркибига оид аломатлар киритилади.

Композицияни таърифлайдиган формула ингредиентларнинг миқдорий таркибига тегишли бўлган аломатлардан иборат бўлса, бу аломатлар бир қийматли birlikлар воситасида ифодаланиб, бу қийматлар минимал ва максимал (пастки ва юқори) миқдорий чегараларни билдирувчи иккита қиймат билан ифодаланади.

Композиция ингредиентларидан бирининг миқдорини битта қиймат билан кўрсатиш, бошқалариникини эса ушбу якка қийматга нисбатан қийматлар интервали кўринишида ифодалашга йўл қўйилади (масалан, ингредиентлар миқдори композициядаги асосий ингредиентнинг 100 мас. қис-мига нисбатан ёки эритманинг 1 литрига нисбатан келтирилади).

Композиция таркибидаги антибиотиклар, ферментлар, анатоксинлар ва бошқаларнинг миқдорий таркибини композициянинг қолган компонентлари ифодаланган birlikлардан бошқа birlikларда ифодалашга йўл қўйилади (масалан, композициядаги бошқа компонентлар массасининг миқдorigа нисбатан минг бир).

Ихтиро формуласи, олинажак якуний маҳсулотга эга бўлишда асос вазифасини ўтайдиган ингредиентларни (масалан, пластмассалар учун полимер, қотишмалар учун металллар ва бошқалар шундай асослар вазифасини ўтайди) кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда, композициянинг вазифасини белгилаб берадиган физикавий-кимёвий ва бошқа таърифларини ҳам ўз ичига олиши мумкин (масалан, ғовакли пластлар ва пенопластлар учун бу юза ва ғоваклик таърифлари, қотишмалар учун - қаттиқ эритмалар таркиб-лари ва кристаллилик кўрсаткичлари, бетонлар учун - ҳажмий зичлик, си-қилишга турғунлик чегараси, ўқ бўйлаб чўзилишлик кўрсаткичлари ва бошқалар).

Агар композицияга тегишли бўлган ихтиро қўшимча ингредиентнинг киритилиши билан таърифланса, бу ҳолда тегишли фарқловчи белги кўрсатилишидан олдин формулага «қўшимча ... га эга» ибораси киритилади.

Агар композицияларнинг вазифаси фақат фаоллик ибтидоси билан белгиланиб, бошқа компонентлари эса худди шундай вазифани бажарувчи композицияларда анъанавий тарзда қўлланадиган нейтрал ташувчилар доирасига мансуб бўлса, бундай композициялар формуласида фақат шу фаол ибтидонинг ҳамда унинг миқдорий таркибининг, шу жумладан «самарали миқдор» шаклидаги таркибининг кўрсатилишига йўл қўйилади.

Бундай композиция тавсифи бошқа вариантга ҳам эга бўлиши мумкинки, унда, фаол ибтидодан ташқари, яна «мақсадли қўшилма» каби умумлашма тушунча шаклидаги бошқа компонентлар (нейтрал ташувчилар) ҳам кўрсатилади. Бундай ҳолларда фаол ибтидо ва мақсадли қўшилманинг миқдорий нисбатлари кўрсатилади.

Агар ихтиро аломати сифатида мураккаб таркибли модда кўрсатилган бўлса, ушбу модданинг функцияси ёки хусусияти ҳамда унинг асоси кўрсатилган махсус номини қўллашга йўл қўйилади. Бу ҳолда ихтиро тавсифида ушбу модданинг таърифи келтирилган ахборот манбаи кўрсатилади.

Микроорганизмлар штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг линияларини таърифлайдиган формулада биологик объект мансуб оила ва турнинг лотин тилидаги номи, муаллиф (муаллифлар)нинг фамилияси (фамилиялари) кўрсатилган ҳолда ҳамда коллекция – депозитарий номи ёки номининг бош ҳарфлари (аббревиатура), депонентланган объектга коллекция томонидан берилган рўйхатга олиш рақами ва штамм вазифаси келтирилади.

Янги мақсадда қўллаш кўринишида таърифланган ихтиро учун қуйидаги тузилишга эга бўлган формула қўлланади: «... (объект таърифи келтирилади) нинг ... (вазифаси келтирилади) сифатида қўлланиши».

Қўлланаётган объект шундай тавсифланиши керакки, уни идентификация қилиш имкони бўлсин. Бунинг учун қандайдир ўринларда унинг фақат номини (белгисини) келтириш kifоя қилса, бошқа ўринларда объектнинг бажарилишини (қурилма конструкцияси, модда таркиби ва бошқалар) очиб бериш талаб қилинади.

Ихтиро вазифаси тегишли атамадан (масалан, ингибитор, гербицид ва бошқалар) ёки « ... учун восита», « ... антибактериал восита» каби конструкциялардан фойдаланган ҳолда ифода этилиши мумкин.

Ихтиро формуласи, масалан, қуйидагича баён этилиши мумкин:

«0,3-0,5 фоизли А сув эритмасининг юқори нафас йўллари касалликларини даволаш учун антибактериал восита сифатида қўлланиши».

3.3. График материаллар

Ихтиро моҳиятини тўлиқроқ англаш учун ихтирога талабнома таркибида ушбу моҳиятни тушунтирадиган материаллар бўлиши мумкин. Бундай материаллар график тасвирлар (чизмалар, схемалар, графиклар, эпюралар, расмлар, осциллограммалар ва бошқалар) ва жадваллар кўринишида бажарилиши мумкин.

Ихтирони чизмалар ёки схемалар билан тасвирлашнинг иложи бўлмаган ҳолда расмлар топширилади.

Фотосуратлар график тасвирларга қўшимча сифатида топширилиши мумкин.

Чизмалар, схемалар ва расмлар алоҳида варақларда тақдим этилади ва ҳар бир варақнинг юқориги ўнг бурчагида ихтиронинг номи кўрсатилади.

Кўрсатилган материаллар тавсифда таърифи келтирилган ихтирони изоҳлаши лозим бўлгани учун, уларнинг ихтиро тавсифига мувофиқлигини қатъий таъминлаш талаб қилинади.

Тушунтирадиган материалларнинг тури улар бажариши лозим бўлган вазифасига қараб танланади. Масалан, чизмадан объектнинг конструктив бажарилишини тушунтиришда фойдаланиш мумкин, схемадан объектнинг элементлари таркибини ҳамда элементлараро алоқаларни ифодалашда фойдаланиш тавсия қилинади. Керакли ахборотни чизма ёки схема воситасида тақдим этиш имкони бўлмаган ўринларда расмдан фойдаланиш мумкин. Фотосуратлар график тасвирларга қўшимча сифатида топширилади. Фавкулотда ҳолатларда, масалан, жарроҳлик операцияларининг бажарилиш босқичларини изоҳлашда, фотосуратлар асосий изоҳловчи материал сифатида тақдим этилиши мумкин.

Ихтирони изоҳловчи материалларни расмийлаштиришда улардан чекланмаган

миқдорда нусха кўчириш ва узоқ муддат сақлаш имконияти бўлишини эътиборга олмоқ лозим.

3.4. Реферат

Реферат ихтиро ҳақида маълумот олиш учун хизмат қилади ва ихтиро ҳақида маълумотларнинг қисқартирилган баёнидан иборат бўлади.

У ихтиро номи билан бошланиши ва ихтиро мансуб бўлган техника соҳасининг характеристикаси ва эришиладиган техник натижа ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак. Ихтиро моҳияти ихтиро формуласининг эркин баёнидан иборат бўлиб, ихтиронинг барча муҳим аломатларини сақлаши лозим. Заруратга кўра рефератга чизма ёки бошқа бирон изоҳловчи материал киритилиши мумкин.

IV. Вазирликка талабнома топшириш

1. Талабномани ким топшириши мумкин

Талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг қонуний ворислари (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан топширилиши мумкин.

2. Талабнома қаерга ва қандай топширилади

Патент бериш ҳақидаги талабнома Вазирликка топширилади.

Талабнома берувчи почта орқали талабномани юбориши ёки бевосита Вазирликка топшириши мумкин.

Агар талабнома берувчи талабномани почта орқали жўнатган бўлса, Вазирлик уни олган сана талабнома топширилган сана ҳисобланади.

Вазирлик талабномани олганлиги ҳақида талабнома берувчини хабардор қилади. Хабарномада талабнома рақами, ҳужжатларнинг характери ва сони, шунингдек улар келиб тушган сана кўрсатилади.

Кейинчалик талабнома бўйича ўзаро ёзишмалар олиб боришда ёзма маълумотларда талабнома рақамини кўрсатишингиз лозимлигига диққатингизни қаратмоқчимиз.

V. Талабномани кўриб чиқиш

Талабномани кўриб чиқишда Вазирликда ҳуқуқий маъно касб этувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилади, улар схематик тарзда 2-иловада келтирилган.

Патент бериш ҳақидаги талабномани кўриб чиқиш жараёни икки босқичга бўлинади: расмий экспертиза ўтказиш ва моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш.

Талабнома қабул қилинган санадан эътиборан икки ой давомида талабнома берувчи,

талабнома берилган ихтиронинг моҳиятини ўзгартирмаган ва қўшимча бож тўламаган ҳолда, талабномага тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимчалар киритиши мумкин.

Қабул қилинаётган қарорларнинг максимал даражадаги холислигини таъминлаш мақсадида, талабномани кўриб чиқиш жараёнида Вазирликнинг бўлимлари талабнома берувчи билан ёки унинг вакили билан бир неча бор алоқа ўрнатиши мумкинлигига эътиборини қаратиши лозим.

Талабнома материалларининг малакали тайёрланганлиги экспертиза процедураларини тез ва муваффақиятли бажарилишини таъминлашда ҳал қилувчи омилдир.

1. Расмий экспертиза

Расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой ўтгандан кейин Вазирлик томонидан ўтказилади.

Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза икки ойлик муддат ўтмасдан бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайдан бошлаб қўшимча патент божи тўламасдан талабнома материалларига ўз ташаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертиза ўтказиш жараёнида қуйидагилар текширилади:

талабнома материаллари таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги;

республика ҳудудида доимий яшаш жойи ёки доимий турар жойига эга бўлмаган талабнома берувчилар томонидан талабнома бериш тартибига риоя қилинганлиги;

ихтиронинг ХПК бўйича тўғри таснифланганлиги;

устуворликни сўрашнинг қонунийлиги ва сўраш тартибига риоя қилинганлиги;

талабнома берилган ихтиронинг муҳофаза талаб қилмайдиган объектларга мансуб эмаслиги.

Заруратга кўра, талабнома берувчига талабнома берилган санадан бошлаб уч ой вақт мобайнида талабномага тузатишлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилиши мумкин.

Хусусан, ихтиро формуласининг бирон-бир бандида таърифланган ихтиро Қонунга биноан патентга лаёқатли эмас деб топилса, талабнома берувчига ихтиро формуласидан тегишли бандни чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

Агар зарур бўлган тузатишлар ва қўшимчалар белгиланган муддатда киритилмай қолса, ёки талабнома берилган санада зарур ҳужжатлар тақдим этилмай қолган бўлса, талабнома чақириб олинган ҳисобланади ва талабнома берувчи бу ҳақда тегишли хабарнома олади.

Агар талабнома берилган ихтиро патентга лаёқатли объектларга тегишли эмас деб топилса, патент бериш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилинади.

Расмий экспертиза ўтказилгандан кейин ижобий натижа олинган бўлса, бу ҳолда талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

2.Ихтирога талабнома ҳақидаги маълумотларнинг эълон қилиниши

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгандан кейин Вазирлик ихтирога талабнома ҳақидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Вазирлик томонидан белгиланади.

Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан талабнома ҳақидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтмасдан туриб эълон қилиниши мумкин.

Талабнома материаллари эълон қилингандан кейин ҳар қандай шахс талабнома ҳужжатлари билан бевосита Вазирликнинг ўзида ҳам, бунда танишиш санаси ва вақти аввалдан келишилади, кўрсатилган ҳужжатлар нусҳасини сўраб олиш йўли билан ҳам танишиб чиқиши мумкин. Ҳужжатларнинг нусхалари тегишли тўлов амалга оширилганлик шарти билан тақдим этилиши мумкин.

3.Талабноманинг моҳияти бўйича экспертизаси

Талабноманинг моҳият бўйича илмий-техника экспертизаси Вазирлик томонидан талабнома берувчи ёки ҳар қандай бошқа шахснинг илтимосномаси топширилгандан кейин патент божи тўланган ва буни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда амалга оширилади. Илтимоснома талабнома топшириладиганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи бошқа (манфаатдор) шахслардан келиб тушган илтимосномалар ҳақида Вазирлик томонидан хабардор қилинади.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Вазирлик томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Кўрсатилган санага риоя қилинмаган тақдирда талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

3.1. Ихтиро устуворлигини белгилаш

Устуворлик патент бериш учун талабнома Вазирликка топширилган сана бўйича белгиланади, бунда талабнома таркибида патент бериш ҳақидаги ариза, ихтиро тавсифи, формуласи ва зарур ҳолларда чизмалар бўлиши керак.

Устуворлик қуйидаги саналар бўйича белгиланиши мумкин:

бошқа давлатда топширилган биринчи талабнома қайд этилган сана бўйича - конвенцион устуворлик (Париж конвенциясига мувофиқ белгиланган устуворлик);

қўшимча материаллар топширилган сана бўйича, агар талабнома берувчи ушбу қўшимча материалларни талабномада кўрсатилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юборади деб топилиши муносабати билан Вазирликнинг унга юборган илтимосномаси олинган санадан эътиборан уч ой муддат тугагунга қадар мустақил талабнома сифатида расмийлаштирган ва топширган бўлса;

Вазирликка талабнома берувчи томонидан бир мунча олдин тақдим этилган талабнома

санаси бўйича, бунда устуворлик сўралаётган талабнома бир мунча олдинги талабнома келиб тушган санадан ўн икки ой ўтмасдан келиб тушган бўлиши лозим.

3.2. Формулани текшириш

Текшириш талабноманинг расмий экспертизаси тугаган пайтдаги дастлабки материалларида тақдим этилган ихтиро формуласига нисбатан ўтказилади. Агар талабнома берувчи ихтиро формуласини расмий экспертиза ўтказилганидан кейин ўзгартирган бўлса, бу ҳолда ўзгартирилган ихтиро формуласи текширилади.

Формулани текширишда қуйидагилар аниқланади:

а) ихтиро бирлиги талабининг бажарилганлиги.

Агар ихтиро бирлиги талабининг бузилганлиги аниқланган бўлса, бу ҳолда экспертиза тақдим этилган талабнома доирасида қайси ихтиро кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилишингизни ҳамда битта ихтирога тегишли бўлган аниқлаштирилган тавсиф ва формулани тақдим этишингизни таклиф қилади. Бу маълумотлар келиб тушмаган тақдирда, талабнома берувчи ихтиро формуласида биринчи бўлиб кўрсатган ихтирога нисбатан текширув амалга оширилади;

б) талабнома берувчи кўрсатган техник натижаларга эришиш учун етарли бўлган муҳим белгилар мажмуининг формулада мавжудлиги.

Агар мана шундай муҳим белги ихтиро формуласининг мустақил бандига киритилмаган бўлса, аммо формула тавсифида ёки боғланган бандида кўрсатилган бўлса, бу ҳолда экспертиза талабнома берувчига бундай белгини формуланинг мустақил бандига киритишни таклиф қилиши мумкин;

в) ихтиро формуласининг формула тузиш талабларига мувофиқлиги.

Агар талабнома берувчи талабнома берган объект учун кўп бўғинли формула хос бўлса, бу ҳолда экспертиза кўп бўғинли формуланинг боғланган бандларида ўзи боғланиб келган банддаги белгининг чиқариб ташланиши ёки алмаштирилишини кўзда тутган боғланган банд мавжудлигини аниқлайди.

3.3. Патентга лаёқатлилиги

Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Ихтиро сифатида талабнома берилган объект янги бўлса, ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлсагина, унга ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилади.

3.3.1. Саноатда қўлланиши

Агар ихтиродан саноатда, қишлоқ хўжалигида, соғлиқни сақлашда ва бошқа фаолият соҳаларида фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўлланиши мумкин ҳисобланади.

Саноатда қўлланиш имконияти камида қуйидаги талабларнинг бажарилиши билан таъминланиши лозим:

талабнома материалларида ихтиро объектининг вазифаси кўрсатилиши керак; формуланинг мустақил бандида тавсифи келтирилган кўринишдаги ихтиро учун уни талабномада тавсифи келтирилган ёки устуворлик санасигача маълум бўлган воситалар ва усуллар ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги тасдиқланган бўлиши керак.

Бироқ ихтиронинг саноатда қўлланиш шартларига мувофиқлиги ушбу талабларнинг бажарилиши билангина чекланмайди. Гарчи ихтирочи учун ўзи яратган ихтиро мавжуд воситалардан яхшироқ ёки ақалли улардан қолишмайдиган эканини исботлаш зарур

бўлмаса-да, ихтиронинг техник даражаси ўзи яратилган пайтдаги техника ҳолатига мувофиқ бўлиши лозим.

Ихтирога асос қилиб олинган ғоянинг хатолиги ёки эълон қилинган техник характеристикаларнинг амалдаги натижаларга номувофиқлиги унинг sanoatда қўлланиш шартига номувофиқ экани тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин.

Ихтиронинг sanoatда қўлланиш шартига мувофиқлигини текширишда унинг вазифасини (бу вазифа одатда унинг номида ўз аксини топади) талабномада тавсифи келтирилган ёки устиворлик санасигача маълум бўлган воситалар ёрдамида амалга ошириш, шунингдек ихтиро тавсифида тилга олинган техник натижага эришиш имконияти ҳам аниқланади. Экспертиза талабнома берувчи кўрсатган вазифанинг ҳақиқатан ҳам амалга оширилиши мумкин эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб берадиган ихтиро «sanoatда қўлланилиши» мезонига мувофиқ деб топилади.

Sanoatда қўлланиш мезонига мувофиқ келмайди деб топилган ихтирога нисбатан янгилик ва ихтирочилик даражаси бўйича текширув ўтказилмайди.

3.3.2. Ихтиронинг янгилиги

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади. Ихтиронинг янгилигини текшириш ихтиро формуласининг мустақил бандидаги барча белгилари мажмуига нисбатан ўтказилади.

Техника тараққиёти даражасини аниқлашда ҳар бир шахс ўзи танишиши мумкин бўлган ахборот манбаида келтирилган маълумотлар оммавий тарзда ошкор этилган маълумотлар деб ҳисобланади.

Агар техника тараққиёти даражасидан ихтиро формуласининг мустақил бандида кўрсатилган барча белгиларга айнан ўхшаш белгиларга эга бўлган объект аниқланган бўлса, бу ҳолда ихтиро янгилик шартига мувофиқ эмас деб эътироф этилади.

3.3.3. Ихтиролик даражаси

Ихтиронинг ихтирочилик даражасига мувофиқлигини текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ушбу ихтиронинг энг яқин аналоги аниқланади;

талабнома берилган ихтиронинг энг яқин аналогидан фарқлаб турадиган белгилари аниқланади;

ушбу фарқланувчи белгилар билан яккама-якка ёки биргаликда, шу жумладан маълум белгилар билан ҳамкорликда характерланадиган ечимлар техника даражасидан аниқланади.

Хусусан, қуйидагиларга асосланган объектлар ихтиролик даражаси шартига мувофиқ деб эътироф этилмайди:

техник натижага эришиш учун маълум бўлган воситани унга маълум қоидалар асосида бириктирилган бирон-бир маълум қисм (қисмлар) билан тўлдиришга асосланган объектлар, агар эришилажак техник натижага нисбатан худди шундай тўлдиришлар таъсири аниқланган бўлса;

техник натижага эришиш учун маълум воситанинг бирон-бир қисмини (қисмларини) бошқа маълум қисм (қисмлар) билан алмаштиришга асосланган объектлар, агар эришилажак техник натижага нисбатан худди шундай алмаштириш таъсири аниқланган бўлса;

воситанинг бирон-бир қисмини (элементи, ҳаракатини) бунда биронбир янги натижага эришмаган ҳолда ушбу қисм мавжудлиги ҳисобига бажариладиган функцияси билан бир вақтда чиқариб ташлашга асосланган объектлар;

техникавий натижани кучайтириш учун бир хил типдаги элементлар, ҳаракатлар сонини ўзгартиришга асосланган объектлар, агар эришилажак техник натижа воситада худди шундай элементларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлса;

техник натижага эришиш учун маълум воситани ёки унинг қисмини маълум материалдан бажаришга асосланган объект, эришилажак техник натижа ушбу материалнинг маълум хусусиятларига боғлиқ бўлса;

тури ва улар орасидаги муносабатлар маълум қоидалар, тавсияномалар асосида амалга оширилган маълум қисмлардан ташкил топган ва эришилажак техник натижа фақат ушбу восита қисмларининг маълум хусусиятларига боғлиқ бўлган воситани яратишга асосланган объектлар;

маълум қурилма, усул, модда, штамминг янги вазифада қўлланишига асосланган объектлар, агар янги вазифада қўлланиши унинг маълум хусусиятларига боғлиқ бўлса;

микдорий белгиларнинг ўзгаришига асосланган объектлар, агар ҳар бир белгининг техник натижага таъсир кўрсатиш факти маълум бўлса.

4. Қўшимча материалларни тақдим этиш

Экспертиза давомида талабнома берувчи ўз ташаббуси билан ихтиро моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда талабнома материалларига тўлдиришлар, аниқликлар ёки тўғрилашлар киритиш ҳуқуқига эга, бироқ буни талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ва белгиланган микдордаги патент божини тўлаган ҳолда амалга ошириши лозим.

Экспертиза талабига кўра қўшимча материалларни талабнома берувчи экспертиза сўровномаси юборилган санадан бошлаб уч ой ичида тақдим этиши лозим.

Талабнома берувчининг кўрсатилган муддат ўтмай туриб келиб тушган илтимосномасига биноан ҳамда белгиланган патент божи тўлангандан кейин, бу муддат чўзилиши мумкин, бироқ у экспертиза сўровномаси юборилган санадан бошлаб 12 ойдан ошмайди.

Агар талабнома берувчи экспертиза сўровномасига жавоб қайтармаган бўлса ёки қўшимча материалларни тақдим этиш муддатини бузса, талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

5. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш

Агар патент олиш бўйича талабнома берувчи тақдим этилган ҳар бир амалий ҳатти-ҳаракатларни бажариш муддатини ўтказиб юборган бўлса, Вазирлик узрли сабаблар мавжудлиги ҳақидаги далилларнинг келтирилиши ҳамда белгиланган патент божининг тўланиши шарти билан сўровномага жавоб бериш муддатини тиклаши мумкин.

Муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани тақдим этиш муддати ўтиб кетган ҳужжат билан биргаликда ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб 12 ойдан кечикмаган

муддатда тақдим этилиши лозим. Вазирлик кўрсатилган сабабларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Илтимосномага белгиланган миқдордаги тегишли патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат илова қилиниши керак. Белгиланган миқдордаги тегишли патент божи тўланганлигини исботловчи ҳужжат кўрсатилган муддатда тақдим этилмаса, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

Ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги ҳақида ҳам талабнома берувчига хабарнома юборилади.

6. Талабномани ўзгартириш

Агар талабнома берувчи ихтирога талабномани фойдали моделга патент бериш учун талабномага ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бу ишни патент бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар ва тегишли патент божини тўлаган ҳолда амалга оширишингиз мумкин. Бундай ўзгартиришда биринчи талабнома устуворлиги сақланади.

7. Патент бериш тўғрисидаги қарор

Агар ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқлиги аниқланган бўлса, Вазирлик патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Патент бериш ҳақидаги қарорни олгач, талабнома берувчи ихтиронинг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилиши, у ҳақдаги маълумотларнинг эълон қилиниши, патент берилиши ҳамда унинг амал қилиш муддатини 3 йил давомида сақлаб турилиши учун патент божини тўлаши лозим.

8. Патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарор

Агар ихтиронинг патентга лаёқатлилигини ҳеч бўлмаганда бирорта шартига мувофиқ эмаслиги аниқланганса талабнома берувчига патент берилиши мумкин эмаслиги ҳақида тегишли асослар келтирилган сўровнома юборилади.

Бунда экспертиза хулосаларига нисбатан талабнома берувчи ўз фикрларини маълум қилиш таклиф этиши мумкин. Талабнома берувчи уларни сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этиши лозим.

9. Талабномани чақириб олиш

Давлат экспертизасининг ҳар бир босқичида, бироқ ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин, талабнома берувчининг Вазирликка келиб тушган илтимосномасига биноан талабнома чақириб олинishi мумкин.

VI. Апелляция

1. Апелляцияга бериш

Вазирлик қарорига рози бўлмаган тақдирда талабнома берувчи қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляцияга бериши мумкин.

Апелляция ёзув машинкасида ёзилган бўлиши ҳамда унда норозилик билдирилаётган қарорнинг асосизлигига далиллар келтирилиши керак.

Апелляция келиб тушган тақдирда патент бериш тўхтатиб турилади.

2. Апелляцияни кўриб чиқиш

Вазирликнинг расмий экспертиза натижалари бўйича қабул қилинган патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарорига қарши тақдим этилган апелляция ушбу апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Моҳият бўйича экспертиза натижалари бўйича патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарорга қарши, патент берилишига ёки унинг ҳақиқийлигига қарши тақдим этилган апелляция ушбу апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ойлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Апелляцияни кўриб чиқишда Апелляция кенгашининг учтадан кам бўлмаган аъзоси иштирок этиши лозим.

Апелляция топширган шахс ёки унинг вакили иш кўриб чиқиладиган Апелляция кенгашида иштирок этиши мумкин.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин. Апелляция кенгашининг апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори устидан ушбу қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

VII. Патентни рўйхатга олиш, чоп этиш ва бериш

Патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан кейин, белгиланган патент божлари тўланиши шарти билан, Вазирлик ихтирони Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатга олади ҳамда патент рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотларни Вазирликнинг «Расмий ахборотнома»сида нашр этади.

Патент (муҳофаза ёрлиғи), унга ихтиро тавсифи, формуласи ва график материаллар (уларга зарурат бўлса) илова қилинган ҳолда, талабнома берувчига рўйхатга олинганлик тўғрисидаги маълумотлар «Расмий ахборотнома»да эълон қилинган санадан эътиборан ўн кун ўтганидан кейин берилади.

Патент бевосита патент эгасига ёки унинг вакилига ишончнома асосида берилади ёки ёзишма олиб борилган манзил бўйича жўнатилади. Агар бир нечта шахс патент эгаси бўлса, битта муҳофаза ҳужжати берилади.

VIII. Расмий нашрда эълон қилинадиган ахборот

Вазирлик ҳар ойда чиқиб турадиган «Расмий ахборотнома» бюллетенини нашр этади.

Ушбу ахборотномада хусусан қуйидаги маълумотлар чоп этилади:

- ихтироларга берилган талабномалар ҳақида;
- рўйхатга олинган патентлар ҳақида;
- патентлар мақомининг ўзгарганлиги ҳақида;
- ҳуқуқни ўтказиш ҳақида рўйхатга олинган шартномалар ҳақида;
- норматив актлар ва уларга киритилган ўзгартишлар;

Апелляция кенгашининг қарорлари.

IX. Патент божлари

Ихтирога патент олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги учун патент божлари ундирилади, улар Вазирликка тўланади.

Патент божларининг миқдори ва тўлаш муддатлари Ўзбекистон Республикаси «Давлат божлари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Kelib tushish sanasi	Kirish raqami №
(Vazirlik tomonidan to'ldiriladi)	
Talabnoma beruvchini o'zgartirish to'g'risidagi yozuvni kiritish to'g'risida ARIZA	O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi 100011, Toshkent shahri, Xadra mavzesi, 33 Tel.: (99871) 232-50-50, Faks: (99871) 232-50-05 E-mail: info@ima.uz
(21) Talabnoma raqami №	
(22) Talabnoma topshirilgan sana	
(71) Talabnoma beruvchi	
(98) Yozishmalar uchun manzil (to'liq pochta manzili, oluvchining ismi yoki nomlanishi)	
Telefon:	Faks: E-mail:
(74) Patent vakili (to'liq ismi, ro'yxatdan o'tkazilgan raqami)	
Patent vakilining manzili (to'liq pochta manzili)	
Telefon:	Faks: E-mail:
Ushbu arizani taqdim etgan holda Talabnoma materiallariga talabnoma beruvchini o'zgartirish to'g'risidagi yozuvni kiritishingizni so'rayman.	
<p>Talabnoma beruvchini o'zgartirish uchun asoslar:</p> <p><input type="checkbox"/> talabnoma beruvchining o'zgartirilishi kontrakt, shartnomani imzolash natijasi bo'lib hisoblanadi; quyidagi hujjatlardan biri ilova qilinadi:</p> <p><input type="checkbox"/> kontrakt, shartnomaning tasdiqlangan nusxasi</p> <p><input type="checkbox"/> kontrakt, shartnomadan tasdiqlangan ko'chirma</p> <p><input type="checkbox"/> huquqni berish to'g'risidagi hujjat</p> <p><input type="checkbox"/> talabnoma beruvchining o'zgartirilishi qayta tashkil qilish natijasi bo'lib hisoblanadi;</p> <p><input type="checkbox"/> qayta tashkil qilishni tasdiqlaydigan hujjatning nusxasi ilova qilinadi va u quyidagi hujjatlardan birining asliga muvofiqligi bo'yicha tasdiqlangan bo'lishi kerak:</p> <p><input type="checkbox"/> talabnoma beruvchining o'zgartirilishi kontrakt, shartnomani imzolash yoki qayta tashkil qilish natijasi bo'lib hisoblanadi</p> <p><input type="checkbox"/> ushbu o'zgarishni isbotlaydigan hujjatning nusxasi ilova qilinadi va hujjatning asliga muvofiqligi bo'yicha tasdiqlangan bo'lishi kerak</p>	

Yangi talabnoma beruvchi		
Talabnoma beruvchining pochta manzili		
Telefon:	Faks:	E-mail:
Yozishmalar uchun manzil (to‘liq pochta manzili, oluvchining ismi yoki nomlanishi)		
Telefon:	Faks:	E-mail:
Patent vakili (to‘liq ismi, ro‘yxatdan o‘tkazilgan raqami)		
Patent vakilining manzili (to‘liq pochta manzili)		
Telefon:	Faks:	E-mail:
<input type="checkbox"/> Arizaga ilova(lar): <input type="checkbox"/> patent bojini belgilangan miqdorda to‘langanligini tasdiqlovchi hujjat <input type="checkbox"/> davomi uchun varaqlar <input type="checkbox"/> boshqa hujjatlar (ko‘rsatilsin)	nusxalar soni	betlar soni
Imzo va muhr		
Avvalgi talabnoma beruvchi:	Imzolangan sanasi:	
Yangi talabnoma beruvchi:	Imzolangan sanasi:	
Patent vakili:	Imzolangan sanasi:	